

СЕЛ ВА СУВ ТОШҚИНЛАРИ НАТИЖАСИДА ЮЗАГА КЕЛУВЧИ ЭПИДЕМИОЛОГИК ВАЗИЯТЛАРДА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ АҲОЛИ ОРАСИДА ТАРҚАЛИШИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ

**Абдуғопуров Элёржон Ғайрат ўғли,
Саидкасимова Наргиза Сайфуллаевна,
Мавлянов Жалолиддин Абдувахидович**

Фуқаро муҳофазаси институти, Тошкент тиббиёт академияси

Аннотация. Сел ва сув тошқинлари натижасида санитария ҳолатининг ёмонлашуви юзага келиши ва бунинг оқибатида эса аҳоли орасида эпидемиологик фавқулодда вазиятнинг ҳавфи ошиши ва ривожланиши мумкин. Бундай шароитда аҳоли ва ҳудудларни эпидемиологик фавқулодда вазиятлардан муҳофазалаш тадбирларини олиб боришни ташкил этишни ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, мақолада ушбу хусусиятлар, эпидемик вазиятларда юзага келадиганда ўзига хос тизимни яратиш, сел ва сув тошқинлари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларда ҳудудларда санитария-эпидемиологик хизматни ташкил этиш тадбирларни жумладан, юқумли касалликларнинг аҳоли орасида тезлик билан тарқалишини олдини олиш самарадорлигини ошириш, юзага келганда функционал вазифасига кўра хизматларнинг жалб этган ҳолда бартараф этиш бўйича тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: сув тошқинлари, сел тошқинлари, фавқулодда вазият, эпидемия, юқумли касаллик манбаси, санитария ҳолатининг ёмонлашиши, бемор инсон, вирус, бактерия, ташиб юрувчи, санитария-эпидемиологик тадбирлар, эпидемиологик таъминот, тиббий муассасалар, муҳофаза қилиш, инсонлар ўлими.

Аннотация. В результате селевых потоков и наводнений может произойти ухудшение санитарного состояния, а в результате-возрасти риски и развитие эпидемиологической чрезвычайной ситуации среди населения. В этих условиях организация проведения мероприятий по защите населения и территорий от чрезвычайных эпидемиологических ситуаций имеет свои особенности, изложенные в статье, создание конкретной системы при возникновении эпидемических ситуаций, организация санитарно-эпидемиологической службы в районах чрезвычайных ситуаций, связанных с наводнениями и наводнениями. повышение эффективности, даны рекомендации по устранению неполадок с привлечением служб в соответствии с их функциональной функцией при возникновении.

Ключевые слова: наводнения, чрезвычайная ситуация, эпидемия, источник заражения, ухудшение санитарных условий, больной человек, вирус, бактерии, перевозчик, санитарно-эпидемиологические мероприятия, эпидемиологическое обеспечение, медицинские учреждения, защита, гибель людей.

Abstract. *As a result of floods and floods, a deterioration in sanitation can occur, and as a result, the risk of an epidemiological emergency in the population can increase and develop. In such conditions, there are specific peculiarities of organizing the conduct of measures to protect the population and territories from epidemiological emergencies, in the article these peculiarities, the creation of a specific system when occurring in epidemic situations, the organization of sanitary and epidemiological service in areas in emergency situations associated with floods and floods, including measures to increase the efficiency, recommendations have been made to eliminate the failure of services according to their functional function in the event of an accident.*

Keywords: *floods, floodplain, emergency, epidemic, source of infectious disease, deterioration of sanitary condition, patient man, virus, bacteria, carrier, sanitary and epidemiological activities, epidemiological supply, medical facilities, conservation, human death.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 ноябр кундаги “Аҳолини ва ҳудудларни хавфли гидрометеорологик ҳодисалар ҳамда геологик жараёнлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–426-сон қарори тасдиқланган. Қарор талаблари асосида “Тошқинга қарши ҳукумат комиссияси ҳамда ҳудудий комиссияларнинг фаолиятини ташкил этиш” бегилаб бериланган асосий вазифалар бири бўлиб, бу борада табиий офатларнинг олдини олиш, прогнозлаш, мониторинг қилиш, табиий офатлардан аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш, етказилган зарарлар миқдорини камайтириш, хавфли ҳудудлардаги фуқароларнинг, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа объектларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда [1].


Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар натижасида аҳоли ўртасида эпидемиологик вазият ривожланиши бунинг оқибатида санитария ҳолатининг ёмонлашуви кузатилади [3].

Республикаимизнинг иқлимий ва географик жойлашув хусусиятларига кўра, деярли барча тоғли ва тоғ олди ҳудудлари сел хавфи мавжуд ҳудудларга киритилган. Сел тошқинлари Республикаимизнинг Тошкент, Сурхандарё, Жиззах, Фарғона ва Наманган вилоятларида бошқа ҳудудларга нисбатан кўп рўй беради. Республикаимиздаги сел ва сув тошқинлари

эҳтимоли мавжуд хавfli ҳудудлар “Ўзгидромет” маркази мутахассислари томонидан атрофлича ўрганилиб махсус хариталар ишлаб чиқилган. Ушбу харитадан Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Сурхандарё, Навоий, Сирдарё, Наманган, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятларида бундай хавfli юқори эканлигини кўришимиз мумкин [9]. Шунингдек, табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар натижасида сув омборларива бошқа сув иншоотларида юзага келган авариялар натижасида сув тошқинларининг содир бўлиши.

Юқоридаги сел ва сув тошқинлари эҳтимоли мавжуд хавfli ҳудудлар аҳолисининг зич жойлашуви сел ва сув тошқинлари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар юзага келганда, ичимлик ҳамда оқова сув тармоқлари тизими инфраструктурасини бузилиши, табиий муҳитнинг бузилиши, айрим ҳудудларда эпидемик ўчоқларнинг мавжудлиги юзага келган фавқулодда вазият ва унинг оқибатлари (сув ҳамда сел тошқинлари ва бошқа табиий офатлар) натижасида юқумли касалликлар қўзғатувчиларининг фаоллашуви эпидемиологик фавқулодда вазиятларни юзага келтириши, ичимлик сувининг камайиб кетишига ва ўзига хос санитария талофатларини юзага келтириши мумкин. Сувга ичак инфекциялари қўзғатувчилари, одатда, ҳожатхоналардаги, канализация тизимидаги гўнг ва ахлатлардан тушади. Бу жараён қисқа муддатли (бир маротабали) ёки сурункали (узоқ муддатли, доимий) бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам сув орқали бўладиган эпидемик авж олишлар ўткир ёки сурункали бўлиши мумкин. Сурункали эпидемик авж олишларда бир неча ичак инфекциялари (кўп этиологияли) билан касалланишнинг навбатма-навбат кўтарилиши кузатилади. Бундай навбатма-навбат касалланишларнинг кузатилиши ҳар хил юқумли ичак-инфекцияларида яширин даврнинг турли хил бўлиши билан боғлиқ. Одатда, ўткир ичак инфекциялари, жумладан, ичбуруғ билан касалланиш кўтарилиши кузатилади, кейин эса ич терлама ва паратифлар, сўнгра эса вирусли гепатит А билан касалланиш кўпайиши кузатилади. Баъзида кичик, чегараланган (локал) сув манбаи (қудуқ) билан боғлиқ бўлган эпидемик авж олишларда бир турдаги, битта фаготипга мансуб бўлган қўзғатувчи аниқланиши мумкин, бундай ҳолат сув манбаининг битта бемор (бактерия ташувчи) ахлати билан зарарланганлигидан далолат беради.

Сурункали сув эпидемиялари, одатда, катта ҳудудларни қамраб олиб, кўплаб кишиларнинг касалланишига сабаб бўлади, касалланиш кўп этиологияли (бир неча турдаги қўзғатувчилар) бўлади.



..... ЎИИ, жумладан, ичбуруғ билан касалланишнинг кўтарилиши
_____ Ич терламанинг эпидемик авж олиши

----- Вирусли гепатит А касаллигининг эпидемик авж олиши

**1-расм. Марказлашган сув таъминоти тизимидаги носозлик
туфайли учраган сув орқали тарқалган эпидемик авж олиш**

Фекал-орал механизми билан юқадиган вирусли инфекцияларда, масалан, энтеровирусли касалликларда ёки вирусли гепатит А касаллигида сурункали сув эпидемиялари кузатилади, чунки ҳозирги даврдаги сувларни зарарсизлантириш тизими талаб даражасида эмаслиги бундай эпидемик авж олишларга сабаб бўлади.

Шунингдек, эпидемияни пайдо бўлиши ва тарқалиш ҳавфини қуйидаги омиллар кучайтиради:

- аҳолининг зичлиги, сел ва сув тошқинлари оқибатларини бартараф этиш мақсадида, эвакуатсия қилинганда аҳолининг бир-бирларига бевосита яқин бўлиши, аҳолини юқумли касалликлар тарқалиши юзасидан олдиндан муҳофазаланмаганлиги, ичимлик сув таъминоти, оқова сув тизими, электр тармоқлари, санитария-гигиена инфраструктураси талаб даражасида ташкил этилмаганлиги ёки умумий миқдори ва қўллаш жадаллигига мос келмаслиги, аҳолининг кўчиб юриши, бунда кўчирилган аҳоли ўртасида ҳам маҳаллий аҳоли ўртасида ҳам инфекцияларини пайдо бўлиши;

- сел ва сув тошқинлари оқибатларида, тиббиёт муассасаларига ва уларга олиб борувчи йўлларга зарар етиши, уларнинг иш қобилиятини қисман ёки буткул йўқотганлиги, мавжуд бўлган тиббиёт муассасаларнинг узоқ масофада жойлашганлиги, малакали тиббиёт ходимларининг етишмаслиги;

- эмлаш календари асосан ва бошқа эмлаш тадбирларини жойларда ҳавфсиз ташкил этиш ва вакциналарни жорий этилган талаблар асосида сақлаш ҳамда ташиш имкониятининг вақтинча ёмонлашганлиги, юқумли касалликларни яширин даврда ўтиши ёки зарурий таъсир кўрсатиш учун ташкилий чораларнинг етарли даражада ташкил этилмаслиги;

– сел ва сув тошқинлари (сув йўлида) ҳудудида қабристонларнинг, шунингдек, ўта хавфли (Қрим-Конго геморрагик иситмаси, куйдирги ва қутуриш каби) юқумли касалликлар билан касалланган хайвонлари жасадлари кўмилган жойларнинг мавжудлиги ва ушбу қабрларининг сел ёки сув тошқинлари вақтида ювилиб кетиши;

– ёвойи хайвонлар, кемирувчилар ва бошқа турли хил хашоратларнинг сел ёки сув тошқинлари натижасида, аҳоли яшаш масканларида кескин равишда кўпайиши ва бунинг оқибатида улардан бевосита ёки уй ҳайвонларига, кейин эса инсонларга юқумли касалликларнинг олдини олиш чоралари етарли даражада олиб борилмаслиги;

– сел ва сув тошқинларининг чегара олди ҳудудларида содир бўлиши оқибатида, талофатли сел ёки сувни оқимининг қўшни давлатлар ҳудудига тез фурсатларда кириб келиши ва бундай вазиятларда сув орқали, юқумли касалликларнинг тарқатувчи манбаларини турли кўринишларда кириб келишини олдини олишни имконсизлиги [5].;

– зарурий таъминот захираси, сув тошқинлари оқибатида озиқ-овқат, ичимлик суви, зарурий дори-дармон ва санитария-гигиеник воситалари етишмаслиги ёки уларнинг тарқатишнинг чегараланганлиги. Бундай салбий ҳолатлар эпидемиологик вазиятни кенгайиб, оқибатларини кучайишига олиб келади.


Ёввойи хайвонлар, кемирувчилар ва бошқа турли хил хашоратларнинг сел ёки сув тошқинлари натижасида, аҳоли яшаш масканларида кескин равишда кўпайиши зооноз касалликларни кўпайига олиб келади. Зооноз касалликларга қарши курашишда ветеринария-санитария ва санитария-эпидемиология хизматларининг ҳамкорликдаги назоратини ташкиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. [9].

Аҳолининг кўчиришнинг яна бир хавфли омили, сув тошқинларидан кейин инсонлар орасида юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши, авж олиб бориши ва тарқалиши – бу эпидемик вазият ҳисобланиб, ҳар қандай юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши, авж олиб бориши ва тарқалиши учун учта омил бўлиши шарт: 1) касаллик юқтирадиган манба; 2) касалликнинг юқиш ва тарқалиш йўллари; 3) касалликга берилувчан (имунитети паст, касалликларга қарши эмланмаган шахслар) инсонлар бўлиши [8].

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг экспертлари дунёдаги барча касалликларнинг 80 фоизи ифлосланган сув орқали юқишини аниқлади. Сувнинг касаллик тарқатувчи микроорганизмлар билан зарарланиши қорин тифи, дизентерия, вабо, вирусли гепатитнинг “А” тури каби бир қатор юқумли касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлиши мумкин. Ўткир ичак инфекциялари – патоген энтеробактериялар, шартли патоген кўзғатувчилар ва вируслар чақирадиган, ошқозон-ичак трактининг зарарланиши, интоксикация, дегидратация (сувсизланиш) ҳамда турли асоратлар билан кечадиган касалликдир [12].

Асосий юқтириш омили сув ҳисобланган қорин тифи ва паратиф касаллигининг олдини олиш учун илгариги даврларданоқ махсус профилактика чоралари қўлланилади, яъни вакциналар ёрдамида эмланади. Ушбу махсус профилактиканинг самарадорлиги кўпгина тажрибаларда синалган, жумладан, Ф.Г. Бернгоф маълумотларига кўра, вакциналар билан эмлаш ҳарбий хизматчилар орасида касалликнинг кескин камайишига сабаб бўлган (2-расм).

Қорин тифига қарши жонсизлантирилган фенолли вакциналар ва чет мамлакатларда ишлаб чиқилган тирик вакциналар қўлланилади, ушбу вакциналарнинг самараси эпидемиологик тажрибаларда исботланган. Бундай вакциналар билан аҳолининг баъзи гуруҳлари эпидемиологик кўрсатмаларга биноан эмланади [9].



2-расм. Ҳарбий хизматчиларни қорин тифига қарши эмлаш ва эмланганлар орасида касалланиш кўрсаткичи (ҳар 1000 нафар кишига нисбатан)

Ич терламага қарши эмлаш учун ҳозирги вақтда икки хил вакцина препарати қўлланилади: кимёвий сорбитланган ич терлама вакцинаси (катта ёшдагиларни эмлаш учун) ва Ви-антиген билан бойитилган спиртли ич терлама вакцинаси (кичик ёшдагиларни эмлаш учун).

Ревакцинация 1 йилдан кейин ўтказилади, бироқ эпид.кўрсатмаларга биноан бир неча ойлардан кейин ҳам ўтказилиши мумкин.

Юқоридаги сел ва сув тошқинлари эҳтимоли мавжуд хавфли ҳудудлар аҳолисининг зич жойлашуви сел ва сув тошқинлари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар юзага келганда, ичимлик ҳамда оқова сув

тармоқлари тизими инфраструктурасини бузилиши, табиий муҳитнинг бузилиши, айрим ҳудудларда эпидемик ўчоқларнинг мавжудлиги юзага келган фавқулодда вазият ва унинг оқибатлари (сув ҳамда сел тошқинлари ва бошқа табиий офатлар) натижасида ич терлама касаллигини тарқалишини олдини олиш мақсадида **фагопрофилактика ўтказилади**. Ич-терлама ва паратифга қарши қуйидаги ҳолларда ёппасига бактериофаг берилади:

1) сув орқали тарқаладиган сурункали ич терлама ва паратиф эпидемияларида;

2) сут ва сут маҳсулотлари орқали касаллик ўткир эпидемик авж олганда;

3) сув ва канализатсия тармоқларида авария бўлганда.

Бу ҳолларда бактериофаг 3-4 кунда бир марта берилади, 1 майдан то 1 ноябргача. Бактериофаглар ёппасига қўлланилиши керак бўлган аҳоли табақасини эпидемиолог-врач эпидемиологик вазиятни, инфекциянинг тарқалганлик даражасини ва қўзғатувчининг активлигини, вақтини ҳисобга олган ҳолда белгилайди.

Сурункали сув эпидемияларида фағлашни касалланишнинг кўтарилиши даврида ўтказилиши тавсия қилинади. Ич терлама касалланиши бўйича доимий юқори кўрсаткичларда сақланиб келаётган ҳудудларда касалланиш кўтарилиши даврида сурункали бактерия ташувчиларга, уларнинг эпидемиологик хавфлилигини камайтириш мақсадида фағлаш ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Санитария-гигиена қоидалари қониқарсиз аҳволда бўлган носоғлом эпид.ҳолатли алоҳида муассасаларга ёки жамоа орасида касалланиш ҳолларининг олдини олиш мақсадида ёппасига фағлаш ўтказиш тавсия қилинади. Бактериофагларни қўллашга қарши кўрсатмалар йўқ. Бактериофагларнинг ҳар бир серияси уларнинг фаоллигини аниқлаш мақсадида (лизис) шу жойдан ажратиб олинган қўзғатувчилар култураси билан текшириб кўрилади.

Асосий юқтириш омили сув ҳисобланган Вирусли гепатит А касаллигининг асосий самарали профилактикаси аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлашдир. Кўпгина ривожланган мамлакатларда ушбу касалликнинг ўткир ва сурункали эпидемик авж олишлари аҳолини кафолатланган, сифатли сув билан таъминлаш натижасида амалга ошган.

Бироқ сел ва сув тошқинлари юзага келганда касалликни тарқалиб кетмаслиги учун вирусли гепатит А касаллигига қарши ўлдирилган вакциналар эпидемиологик кўрсатмага биноан аҳолини мойил гуруҳларини эмлаш лозим. Ушбу вакцина жуда кўп хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган ва самарали вакцина эканлиги эпидемиологик тажрибаларда исботланган, амалиётда қўлланилаяпти. Ўзбекистонда ҳам ушбу вакциналар эпидемиологик кўрсатмаларга биноан профилактика мақсадида ишлатилмоқда [10].

Касалликни аниқлашнинг тўлиқлиги, аввало, аҳолининг тиббий хизматга мурожаат этиши билан белгиланади. Тиббий хизматга мурожаат этиш даражаси ва ташхисот сифати обектив (касаллик клиник кечишининг хилма-хиллиги, замонавий ташхисот усуллари йўлга қўйилганлиги) ҳамда субектив (тиббиёт ходимининг малакаси, тиббий ёрдамнинг қулайлиги, аҳолининг ижтимоий мавқеи, билими, савияси) омилларга боғлиқдир [2].

Барчамизга маълумки, узоқ ва яқин тарихда сел ва сув тошқинлари билан боғлиқ табиий офатлар кўплаб содир бўлган, бунинг натижасида, таббий мухитга, инсонларнинг соғлиғига, моддий бойликларига, шунингдек, давлатнинг айрим ҳолларда чегарадош давлатларнинг ҳам ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларига сезиларли даражада зарар етказади.

2022-йил июн – сентябр ойларида Покистондаги сув тошқинларига, сўнгги йиллардаги энг ёмон иқлим таъсирига учраган табиий офат – мамлакат шимолидаги тоғлардаги рекорд даражадаги кучли ёғингарчилик ва музликларнинг эриши сабаб бўлган. Оқибатда бери давом этаётган ёмғирлар оқибатида 1396 киши, жумладан, 499 нафар бола ва 280 нафар аёл ҳалок бўлган, 12 728 киши жароҳатланган. Кучли ёмғирлар оқибатида 1 743 345 та уй зарар кўрган, шундан 568 817 таси бутунлай вайрон бўлган. 6674 километр йўл ва 269 кўприк вайрон бўлган, 750 мингдан ортиқ қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари нобуд бўлган. Ёмғирлардан 33,4 миллион киши жабр кўрди, 634 минг 749 киши чодир лагерларига жойлаштирилди. Покистон ҳукумати тўхтамаётган муссон ёмғирлари натижасида юзага келган сув тошқинлари туфайли фавқулодда ҳолат режимини жорий этган. Август ойида Синд вилоятида ўртача кўрсаткичдан 780 фоиз кўпроқ ёғингарчилик кузатилган, Белужистонда эса бу кўрсаткич қарийб 500 фоизга тенг бўлган. Покистондаги тошқинлардан кўрган зарар борасида дастлабки ҳисоблашлар 10 миллиард доллардан ошган [10].

2024-йилнинг март ойида Қозоғистон Республикасида йирик сув тошқинлари содир бўлди, бунинг натижасида Қозоғистон Республикасининг Абай, Ақмола, Ақтўбе, Атирау, Ғарбий Қозоғистон, Қарақанда, Қўстанай, шунингдек, Павлодар, Шимолий Қозоғистон ва Улитау вилоятларида маҳаллий фавқулодда ҳолат эълон қилинган. [10] Сув тошқинлари туфайли узунлиги 679 километрдан ортиқ бўлган Ақтўбе, Оқмўла, Атирау, Қўстанай, Павлодар, Манғистау ва Шимолий Қозоғистон вилоятларидаги 14 та республика аҳамиятга эга автомобил йўлида транспорт ҳаракати чекланган. Ушбу вилоятларда 3702 та хусусий тураржой, 562 та ҳовли, 1822 та дала ва 73 та турли мақсадлардаги бинолар сув остида қолган. Шунингдек, йўлларда 155 та сув тошқини қайд этилган. Ғарбий Қозоғистон вилоятидаги Жайық, Шаган ва Деркул дарёларида сув сатҳининг кўтарилиши кузатилган. Қостанай вилоятида инсонлар Тобол шаҳри ва “Олтинсарина” қишлоғидан эвакуатсия қилинган. Шунингдек,

Қарағанда вилояти Шет туманидаги Оқшатау водийсида Танатбай тўғонида сув оқиш аниқланган. Қорасой дарёси бўйида тўғондан 14 км пастда жойлашган “Жарилгап ботир” қишлоғидаги 65 та уйдан 66 кишиларни ҳавсиз ҳудудларга эвакуатсия қилинган. [10]. Шунингдек, Қозоғистондаги сув тошқинлари туфайли Ақтўбе ва Атирау вилоятларида камида 600 та нефт қудуғи ёпилган, нефт қазиб олишдаги йўқотишлар эса, 16 минг тоннани ташкил этган. [8].

2024 йилнинг 5-апрел куни Россиянинг Қозоғистон билан чегарадош Оренбург вилояти ҳудудидан оқиб ўтувчи Урал дарёсида қурилган тўғонда ёрилиш содир бўлган. Мутахассислар бу ҳодисага кўп ёғингарчилик оқибатида дарё сувлари кўпайиши ва тўғонга босим ортиши сабаб бўлганини маълум қилган. Урал дарёси сатҳи бутун давр учун рекорд даражада ко‘тарилиши натижасида Россиянинг Оренбург вилоятида аҳоли пунктларини сув босган. Одамлар оммавий ҳафвсиз ҳудудларга эвакуатсия қилинган. Ушбу сув тошқинлари Қозоғ‘истоннинг шимолий ҳудудларида ҳам кузатилган. Россиянинг 39 та ҳудудида 6,8 мингдан ортиқ турар-жой бинолари сув остида қолган. Урал дарёсидаги ҳимоя иншоотлари вайрон бо‘лган. Шунингдек, 4518 та турар-жой биноси ва 4587 та томорқа эрлари сув остида қолган. Маълумотларга ко‘ра, вилоятдаги сув босган ҳудудлардан 4 мингдан ортиқ одам, жумладан, 885 нафар бола ҳафвсиз ҳудудларга эвакуатсия қилинган [10]

Ўз навбатида юқоридагиларни инобатга олган, ҳолда хулоса қиладиган бўлсак, сув тошқинларидан жабрланган аҳолини вақтинчалик ташкил этиладиган масканлар, ижтимоий соҳа объектлари бинолари ёки бошқа шу каби ҳудудларга кўчирилади. Бу эса инсонларнинг маълум муддат вақт оралиғида бир жойда тўпланишига бу эса шахслараро маиший мулоқотнинг кўпайишига, натижада, ушбу манзилдаги аҳоли ўртасида юқумли касалликларнинг дастлаб яширин ҳолда, сўнгра тезлик билан авж олиб кетишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, шифохоналарга аҳоли томонидан ноюқумли ва юқумли касалликлар юзасидан мурожатларнинг кескин ортиши, ҳудудда инфекциянинг юқори чўққига чиқиши ҳам соғлиқни сақлаш тизими инфратузилмаларига катта миқдордаги юкламанинг тушиши ва ёрдам кўрсатиш миқдори пасайиб талофатлар кўпайишига олиб келади.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, сув тошқинларидан сўнг содир бўладиган эпидемиологик фавқулодда вазиятларни олдини олиш, содир бўлганда эпидемиологик барқарорликга эришиш учун қуйдаги тадбиларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади, жумладан:

– сел ва сув тошқинларини прогнозлашда туман, шаҳар, республика миқёсида фавқулодда вазиятнинг, вайронкорлик характери, ҳудудий жойлашуви ва бошқа мавжуд омилларни инобатга олган ҳолда юзага

келиши мумкин бўлган эпидемик вазиятни, жабирланувчилар сонининг энг юқори миқдорини башоратлаш;

- эпидемик тадбирларни олиб бориш учун штабни умумий фаолиятини режалаштириш ва олдиндан ташкиллаштириш;

- ҳудудларда ташкил этилган тезкор гуруҳларнинг алоқасининг ўз вақтида ва сифатли кашкил этиш;

- ҳар қандай юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши, авж олиши ва тарқалишини омиллари бўлган, касаллик юқтирадиган манба, касалликнинг юқиш ҳамда тарқалиш йўллари, касалликга берилувчан (имунитети паст, касалликларга қарши эмланмаган шахслар) инсонлар бўлишини олдини олишга қаратилган манзилли ва аниқ чора-тадбирларни ўтказиш;

- етарли яшаш жойлари, иссиқ кийим, кўрпа, оддий респиратор, дори-дармон (ўткир респиратор ва ротавирус инфекцияларини олдини олиш учун) захираларини яратиш [4].;

- бир-биридан маълум масофада узоқликда бўлган жойларда, бирданига бир неча жойларда эпидемияга қарши курашиш тадбирларини олиб бориш, аҳоли ўртасида юқумли касалликлар пайдо бўлишига йўл қўймасликка қаратилган режимли чеклаш чоралари кўриш, фавқулодда вазиятлар кўламига қараб кузатиш (обсерватсия) ёки карантин чораларини кўриш;

- тоза ичимлик суви билан таъминлаш, нормал санитария шароитларининг яратиш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, санитария-гигиена воситалари билан таъминлаш чораларини кўриш ва захирасини яратиш;

- аҳолини эпидемик кўрсатмаларга биноан эмлаш учун зарур бўладиган вакциналар захирасини тайёрлаб қўйиш;

- аҳолининг доимий равишда, профилактик эмлаш календари доирасида сил, қизамиқ, эпид паротит, қизилча, ВГВ, шол, бўғма, кўк йўтал, қоқшол, ХИБ ва бошқа ротавирус инфекцияларга қарши эмлаш ишларини ўтказиш;

- тиббиёт муассасаларига ва уларга олиб борувчи йўللарни соз ҳолатга келтириш, тиббий авиятсияни учун шароит яратиш, малакали тиббиёт ҳодимларининг доимий равишда тайёргарлигини таъминлаш;

- карантин режими ҳудудидан асосий чиқиш жойларига соқчилар қўйиб, айланаси бўйлаб қуршаб, фалокат ўчоғини батамом ажратиш, кириш ва чиқиш кескин чекланиб, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг махсус тизимини жорий этиш;

- фавқулодда вазият оқибатларини бартараф этишда иштирок этаётган тиббиёт муассасалар бошқарув пункитлари билан тузилмалар ўртасида алоқаларни юқори савияда ташкил этиш керак бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 18-ноябр кундаги “Аҳолини ва ҳудудларни хавфли гидрометеорологик ҳодисалар ҳамда геологик жараёнлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-426-сон Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 12-ноябрдаги “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4891-сон Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023-йил 29-апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 171-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 15-февралдаги “Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини яратиш, улардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 137-сонли Қарори

5. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг 2022-йил 8-сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудига карантинли, ўта хавфли ва бошқа юқумли касалликларнинг четдан кириб келиши ва тарқалишидан муҳофаза қилиш бўйича санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари (0034-22-сон СанҚваМ)ни тасдиқлаш тўғрисида”ги 25-сон Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология назорати бош бошқармасининг.2017-йил 25-июлдаги 0239-07/3-сонли Ўзбекистон Республикасида юқумли касалликлар иммунопрофилактикаси умумий қоидалари.

7. В.М.Мажидов, “Юқумли касалликлар” ўқув адабиёти, Ибн Сино номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси 1993й. 14 бет.

8. О.М.Миртазаев., Г.С.Матназарова, Н.С.Саидкасимова Дарслик. “Epidemiology”.Тошкент. 2023

9. Saidkasimova, N. S., Matnazarova, G. S., & Mirtazayev, O. M. (2018). Some epidemiological patterns of salmonellosis in Uzbekistan. *Biology and Medical problems*, 4, 95-96.

10. Saidkasimova, N. S., Mirtazayev, O. M., Matnazarova, G. S., Toshbaev, B. Y., & Khatamov, A. H. (2021). Epidemiological and Epizootological Characteristics of Salmonellosis and Improvement of Their Epidemiological Control. *JournalNX*, 610-618.

11. Mirtazayev, O. M., Briko, N. I., Matnazarova, G. S., Saidkasimova, N. S., Toshboev, B. Y., & Khamzaeva, N. T. (2020). SCIENTIFIC, METHODOLOGICAL AND ORGANIZATIONAL BASES OF MANAGEMENT OF THE EPIDEMIC PROCESS IN CASE OF SALMONELLOUS INFECTION IN UZBEKISTAN. *Central Asian Journal of Pediatrics*, 3, 5-14.
12. Saidkasimova, N. S., & Mirtazaev, O. M. (2020). Epidemic Process of Salmonellosis in Tashkent. *Indian Journal of Forensic Medicine & Toxicology*, 14(4).
13. Sattarova, N. A., Mirtazaev, O. M., & Saidkasimova, N. S. (2009). Modern problems of epidemiological process of Salmonellosis in Uzbekistan. *Вестник Санкт-Петербургской государственной медицинской академии им. ИИ Мечникова*, (2), 193-194.
14. Saidkasimova, N. S., Mirtazaev, O. M., & Matnazarova, G. S. (2023). Salmonellyozlarda epidemiologik va epizotologik nazorat.
15. Миртазаев, О. М., Саидкасимова, Н. С., Матназарова, Г. С., & Хатамов, А. (2022). характеристика проявления эпидемического процесса сальмонеллёза. *Results of National Scientific Research International Journal*, 1(2), 18-31.
16. Миртазаев, О. М., & Саидкасимова, Н. С. (2016). Современные аспекты эпидемиологии сальмонеллёзов в республике Узбекистан. *Инфекция, Иммунология, Фармакология*, 7, 103-106.
17. Саидкасимова, Н., & Миртазаев, О. (2021). ўзбекистонда сальмонеллёзларнинг эпизоотологик ва эпидемиологик назоратини такомиллаштириш.
18. Mirtazayev, O. M., Briko, N. I., Matnazarova, G. S., Saidkasimova, N. S., Toshboev, B. Y., & Khamzaeva, N. T. (2020). SCIENTIFIC, METHODOLOGICAL AND ORGANIZATIONAL BASES OF MANAGEMENT OF THE EPIDEMIC PROCESS IN CASE OF SALMONELLOUS INFECTION IN UZBEKISTAN. *Central Asian Journal of Pediatrics*, 3, 5-14.
19. Саттарова, Н. А., Миртазаев, О. М., Камилов, Д. Ю., Аглиулина, С., & Якубова, Ф. (2011). Характеристика эпидемического процесса сальмонеллезов в г. Ташкенте. *Ташкент. Вестник ТМА*, 2, 102-104.
20. Миртазаев, О. М., Саттарова, Н. А., Саидкасимова, Н. С., & Мустанов, А. Ю. (2011). Современные эпидемиологические особенности сальмонеллезов в Узбекистане. In *Актуальные проблемы эпидемиологии на современном этапе: матер. Всерос. науч.-практ. конф. с междунар. участием, посвящ. 80-летию каф. эпидемиологии и доказат. медицины (г. Москва, 13-14 окт. (р. 275).*